


Туркистон Тонги



www.turkistontongi.com | e-mail: gazeta@turkistontongi.com, raximtoy@bk.ru

Ижтимоий-сиёсий, илмий, адабий-публицистик газета

Россия, Қозоғистон ва Беларусь Евроосиё иттифоқи тўғрисидаги шартномани имзолади



Владимир Путин, Нурсултон Назарбоев ва Александр Лукашенко Қозоғистон пойтахти Остонада Евроосиё иқтисодий иттифоқи тўғрисидаги шартномани имзолашди. Июнь ойида ушбу мамлакатлар қаторига Арманистон ҳам қўшилиши кутилмоқда.

“РИА Новости” хабарига кўра, 2015 йил 1 январдан кучга кирадиган ҳужжат иштирокчи мамлакатлар иқтисодиётининг юқори даражада интеграциялашувини кўзда туттади.

Мамлакатлар товарлар, хизматлар ва ишчи кучларининг эркин ҳаракатланиши, муҳим аҳамиятга эга соҳалар – энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги ва транспорт соҳаларида келишилган сиёсатни амалга оширишни кафолатлашади. Шундай қилиб, МДХ худудидаги энг йирик умумий бозор (170 миллион киши)ни шакллантириш жараёни якунига етди.

Қозоғистон президенти Нурсултон Назарбоевнинг сўзларига кўра, имзоланган шартнома тарихий аҳамиятга эга. «Бу яхши чамаланган, савод билан тайёрланган, барча давлатларнинг манфаатларини ҳисобга оладиган шартнома бўлди», – деди Қозоғистон раҳбари.

Унинг айтишича, шартномада барча асосий жиҳатлар акс этган, давлатлар тенглиги, уларнинг худудий яхлитлигининг барча тамойиллари қайд этилган, шунингдек, иттифокқа аъзо мамлакатларнинг сиёсий тузилишига нисбатан ҳурмат тамойиллари қайд этилган. Назарбоевнинг таъкидлашича, ушбу иттифокда қарорлар консенсус йўли билан қабул қилинади.

Ўз навбатида, Россия президенти Владимир Путин иштирокчи мамлакатларнинг жуғрофий жойлашуви нафақат минтақавий, балки глобал миқёсдаги транспорт-логистика йўналишларини ташкил қилиш имконини беради.

Шартнома 2011 йил ноябридан бери, учала мамлакат давлат раҳбарлари Евроосиё интеграцияси ҳақидаги баёнотни қабул қилганларидан бери ишлаб чиқилаётган эди. Унга Божхона иттифоқи ва Ягона иқтисодий макон тузилмаларининг ҳуқуқий базаси асос қилиб олинган бўлиб, уларнинг амалдаги нормалари Жаҳон савдо ташкилоти қоидаларига мувофиқ оптималлаштирилган.

Қозоғистон АЭС қуриш бўйича Россия билан меморандум имзолайди

Москва ва Остона Қозоғистонда илк атом электростанциясини қуриш бўйича меморандум имзолаши кутилмоқда.

Россия президенти ёрдамчиси Юрий Ушаковнинг билдиришича, меморандум 29 май куни президент Владимир Путиннинг Остонага сафари чоғида имзоланади. Қозоғистондаги илк атом электростанцияси Россия технологияси асосида мамлакат шимоли-шарқидаги Курчатов шаҳрида қурилиши режалаштирилган.

Курчатов Совет даврида ядровий синовлар полигони бўлган Семипалатинск вилоятининг марказидир. Атом электростанциясининг қурилиши қачон бошланиши бўйича ҳозирча аниқ маълумот йўқ. Таъкидлаш жоиз, дунёда ишлаб чиқариладиган ураннинг 25 фоизи Қозоғистонда қазиб олинади.

Бугун Остонада Россия, Беларусь ва Қозоғистон ўртасида Евроосиё иқтисодий иттифоқини тузиш келишуви имзоланди. Энди президентлар Владимир Путин ва Нурсултон Назарбоев алоҳида учрашиши кутилмоқда.

Қозоқистон Ўзбекистонга нефть махсулотларини экспорт қилишни бошлаши мумкин

Қозоқистон ОАВ хабар беришича, Остонада Парламентнинг кўйи палатасида бўлиб ўтган Ҳукумат сотида республиканинг нефть ва газ вазири Узокбой Карабалин Россияга нисбатан қўлланилаётган санкциялар Қозоқистоннинг нефть ва газ секторига қандай таъсир ўтказиши мумкинлиги ҳақида билдирган. Маълумки, ўтган ҳафтада АҚШ Конгресси Россияга нисбатан янги санкцияларни қўллаш ҳақида қарор қабул қилди. Бундан ташқари, Германия канцлери Ангела Меркель “Украининг худудий яхлитлиги”га доир вазият чигаллашган тақдирда Россияга нисбатан янги санкцияларни қўллаш эҳтимоли мавжудлигини айтиб ўтди. Қозоқистон Республикаси Ҳукуматининг фикрича, бу Қозоқистоннинг нефть ва газ тармоғига ҳам таъсир ўтказади.

- Балким ўшанда нефть махсулотларининг катта миқдори бизга ке-

лади, - деб таъкидлади Карабалин. – Бу бир томондан яхши, чунки биз ўзимизни нефть махсулотлари билан тўлиқ таъминлаёмиз. Лекин, иккинчи томондан, арзон нефть махсулотлари бозорни тўлдирадиган бўлса, товарнинг кўпайиб кетиши нефть заводларимизнинг ишини қийинлаштириши мумкин. Бу ерда биз иккала вариант ўртасида мувозанат сақлаб турибмиз, - деб якунлади ўз сўзини вазир жаноблари.

Хусусан, Қозоқистон нефть ва газ вазирлиги раҳбарининг айтишига кўра, турли экспорт маршрутлар кўриб чиқилмоқда. Озарбайжон ва Грузия орқали Қора денгизга чиқиш, Хитойга, шунингдек, Ўзбекистон ва Туркманистонга жанубий йўналиш бўйича нефть махсулотлари етказиб бериш мумкин.

интернет хабарлари асосида тайёрланди.



Ушбу
сонда:

ТУРК ДУНЁ-
СИДАН
ХАБАРЛАР

Албатта
ўқинг!

»- 2- БЕТ

ОДИЛ ЁҚУБОВГА
1991 йили ёзилган
мактуб

» 3-БЕТ

Адолатнинг
барқарор
бўлишини
таъминлаш асосий
мақсадимиз...

» 4-БЕТДА

Қашқадарёда
ғайри-ихтиёрий қон
донорлиги ...

» 6-БЕТДА

Тарихнинг
гувоҳлик бери-
шича...

» 7-БЕТДА

ТУРК ДУНЁСИДАН
ХАБАРЛАР

Туркий тилда сўзлашувчи давлатлардан умумий кимлик йўлида собит лойиҳалар

Туркий тилда сўзлашувчи давлатлар томонидан умумий миллий кимлик йўлида собит лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Тайёрланаётган умумий тарих дарслиги ёш авлоднинг билим олишига, минтақавий диаспора марказлари эса муҳим мавзуларда жамоат фикрини шакллантиришга хизмат қилади. Тарихнинг энг қадимий маданиятларидан бирига соҳиб бўлган турклар ўз тарихларида Аврўпадан Ҳиндистонгача, Тинч уммонидан Мисргача бўлган кенг ҳудудларда буюк империялар ва давлатлар қурган. Турк давлатлари бугун ҳам ўзларининг умумий тарихи ва маданияти асосида умумий лойиҳалар борасида атрофида бирлашишмоқда. Шу йилнинг 4 июнида Бодрумда президент Абдуллоҳ Гул мезбонлигида туркий тилда сўзлашувчи давлатлар Саммити йиғилиши бўлиб ўтади. Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистон аъзо бўлган Саммитга бу йил Туркменистон ҳам қўшилади. Шу жумладан Ўзбекистоннинг ҳам тез орада Саммитда жой олиши кутилмоқда. Биринчи навбатда Вашингтон, Берлин ва Парижда ташкил қилиниши режалаштирилаётган минтақавий диаспора марказлари ёрдамида шу минтақаларда яшаётган туркий халқлар жамланади. Бундан мақсад умумий ҳаракатни ифодаловчи Арманистон каби муҳим мавзуларда жамоатчилик фикрини шакллантиришдан иборат. Шу билан бирга

турк диаспорасига алоқадор одамлар сони ҳисобини юритиш ҳам режалаштирилмоқда. Турк кенгаши бош котиби Ҳалил Акинжи бутун дунёда яшовчи туркий халқлар сонига эътибор қаратар экан, кутилган натижага эришиш учун қилинадиган ишларнинг аҳамиятига алоҳида урғу беради. Дипломатик муҳбирлар уюшмаси аъзолари билан учрашган Акинжи турк диаспорасининг сонига мос таъсирга эга эмаслигини айтади. «Ўзаро бирлашиб ҳаракат қилган тақдирдагина сонимиз ҳам ортади, умумий манфаатларимиз ҳам ҳимояланади» — дея таъкидлайди Акинжи. Умумий тарих дарслигини яратиш лойиҳаси эса ёшларга умумий маданият ва ўтмиш ҳақидаги билимларни беришни мақсад қилади. Ушбу дарслик келаси йилдан бошлаб туркий тилли сўзлашувчи давлатлардаги бошланғич ва ўрта таълим муассасаларида ўқув дастурига киритилади. Хавфсизлик масалалари ҳам Бодрум Саммитининг энг муҳим мавзуларидан бири бўлиши кутилмоқда. Яна бир муҳим лойиҳа туризм соҳаси билан боғлиқ. Умумий жўрофиянинг бир парчаси бўлган тарихий буюк ипак йўли номи остида бир сайёҳлик йўналиши яратиш ва уни ҳам минтақа ҳам дунё учун жозибали туризм йўналишига айлантиришдан иборат.

TurkistonTV, Хабарлар |

Ёлғонда иштирок этмаслик - ҳақиқат кучи...

Кўпгина биродарлар нозўровон кураш тактикасига ишонсизлик билан қарайди. Бу хил курашдан натижа чиқмайди, деб ўйлайдиганлар бор. Халқимизнинг доно вакиллари бундайларга: “каловини топсанг қор ёнади”, деган жавобни тайёрлаб қўйибди. Навоий: “Кими осон тутар осон, кими мушкул тутар мушкул”, дейди.

Агар биз фалон иш мушкул, пистон ишни қилиш қийин, деяверсак умримиз шу хил шикоятлар билан ўтиб кетади. Биз Ўзбекистондаги, қолаверса, Марказий Осиёдаги халқларнинг, боринги, инсониятнинг фарзандларимиз. Қийин бўлса ҳам шу ишларни қилишимиз керак.

Оддий мисоллар келтирай! Орамизда президентга хат юборсанг, ўзига бормайди, яна ўша шикоят қилган одамнингга юборади, деган гап бор... бу гап тўғри, аммо қарангки, президентнинг қўлига хат етказишнинг ҳам йўли бор экан: Лена Урлаева бошлиқ фаоллар кўриқчилар қамаётган бир пайтда президент резиденциясига бориб хат топшира олдику! Малоҳат Эшонқулова, Шухрат Рустамовлар Ҳасан отанинг жасадини кўмишга йўл беришмаганда: “Биз отанинг жасадини ҳовлисига кўмамиз”, дейишди. Бу ҳам бир йўл эди. Маҳаллий ҳукумат вакиллари дарров қозғоларни тўғрилаб беришди...

Нозўровон кураш фидойилари устидан кулиб, булар ўлимдан кўриб шу кураш йўлига ўтиб олишган, деб ўйлайдиганлар бор. Мен бугун шу хил қулгувчилар ва шу хил ўйлайдиганларга жавоб бермоқчиман.

Нозўровон курашга кирганлар ичида ўлимдан кўркмайдиганлар кўп, Юқорида номлари саналганлардан ташқари халқ орасида биз номларини билмайдиган сон-саноксиз одамлар бор.

Иккинчидан, нозўровон кураш ҳатто қуролли курашдан ҳам қийинроқдир. Бунинг учун жуда кучли ақл, ирода, сабот ва матонат керак. “Бўлмайди”, деб бурнини жийириш энг осон иш. Бўлмаганни бўлдириш керак. “Олма пиш, оғзимга туш”, деб ўтириш бизга тўғри келмайди. Ўша олмани пиширишимиз, курашчиларни топишимиз керак. Агар ҳукумат очиқ курашга йўл бермаса, яширин, аммо консиз кураш йўлига ўтишга мажбуримиз...

Тўғри, турли ташкилотларда бизнинг йўлимизни тўсадиганлар кўп. Лекин улар орасида халққа, демак, муҳолифатга хайрихоҳлари ҳам йўқ эмас. Усмон Ҳақназар тахаллуси остида мақолалар ёзаётган кишининг ёзганлари бунинг далилидир. Биз ҳам улар билан

алоқага чиқишимиз лозим...

20 йилдан бери муҳолифатнинг бирикиши ҳақида гап бўлади... Бунга лидерлардан айримлари йўл қўймаётганини биламиз. Уларнинг қайси бири билан гаплашсангиз, “майли бирикайлик, аммо бизнинг ташкилотимиз атрофида”, дейишади. Бу менга Мамарасул Бобоевнинг: “Олга юргин, аммо менинг ортимдан” мисрасини эслатади. Бу хил лидерлар муҳолифатни бирлашишини истамайдиган одамлармасмикан, деб ўйлаб қоламан. “Тошли тиканлидир, адолат йўли”, деган бир шоир. Биз шу тиканли ва тошли, айни замонда мураккаб йўлни босиб ўтишга мажбуримиз...

Бирок, бу ишлар шунчаки иш орасида қилинадиган вазифалар эмас. Муттасил ва доимий қилинадиган ишлардир... Афсуски, бизда шу ишлар билан доимий шуғулланадиган одамлар кам.

Албатта, бу хил сиёсий ишлар билан шуғулланиш учун имконият, маблағ ва ҳақозалар керак. Бехудийнинг: “Зангинлар ва зиёлилар бир бўлмаса халқни озодликка чиқариб бўлмайди”, деган гапини яна тақдорлашга мажбур бўляпман. Бундай зангинлар ва ойдинларни топиш керак. Улар бор. Уларни топадиганлар қани?

Ички ва ташқи имкониятлардан фойдаланишимиз зарур. Ички имкониятлар зангинлар ва ойдинлар, яъни зиёлилар бирлиги бўлса, ташқи имконият Ўзбекистоннинг, Марказий Осиёнинг янгилинишини, демократик йўлга ўтишини истовчи демократик мамлакатларнинг, ноижорот ташкилотларнинг ёрдамидир... Аммо улар ҳам бекорга ёрдам бермайдилар... бизнинг шаклланганимизни, ташкилотланганимизни кўрсалар ва шунга ишонсалар ёрдам беришлари мумкин...

Ўзбекистон халқининг нозўровон кураш соҳасида сиёсий тажрибаси кўп эмас. Ҳали ўзбек тилида, тушунарли ёзилган назарий китоблар кам. Таржима қилинганларнинг аксарияти эса тушунарсиз. Шу учун зўравонликсиз қаршилик кўрсатиш усулларидан баъзиларинигина биламиз.

Бирдамлик ҳаракати оммавий шикоят, оқ қийимлар кийиш йўли билан ҳукуматга норозилик билдириб, Ўзбекистон ҳукумати Конституцияга риоя этмаётганини оммага билдириш учун кўчага чиқаолди. Аммо бу кураш, афсуски, оммавий тус олмади.

Бирдамлик ва мулкдор сайтларида оммавий нозўровон усуллар орқали курашга чакирувчи кито-

лар, кинофильмлар, мақолалар ёйинланди. Юқорида ҳам айтганимдек, улардан кўплари тушунарсиз... инглиз, рус тилларини биладиган биродарлардан кимдир шижоат кўрсатиб, уларни янада тушунарли бўлиши учун жон куйдиришлари лозим.

Бир пайтлар, Бирдамликда ҳам бўлган Абдулла Тожибой ўғли мардикорлар қасаба уюшмасини тузишга, диктатурага қарши курашишга интилди. Аммо, ҳукумат унга ҳам йўл бермади. (Эндиликда оддий фаоллар ҳам бу хил курашлар демократия озми-кўпми ривож толган мамлакатларда бўлиши мумкинлигини англаб етишди.) Зеро қасаба уюшмаси ҳам бўлмаган ёки бу уюшмалар ҳокимият вакиллари қўлида бўлган ўлкаларда мардикорларни курашга жалб этиш осон иш эмас.

Вақт келадики, жамиятда иқтисодиётни ишдан чиқаришга интилувчи кучлар ҳам пайдо бўлади. Ҳозирданок фалончининг пахтасини нобуд қилинг, деган қақирқлар пайдо бўлган. Ўзбекистонда болалар меҳнатидан фойдаланилгани учун ўзбек пахтадан фойдаланишни рад қилувчи компаниялар пайдо бўлди. Афсуски, обрўли халқаро ташкилотлар ўзбек ҳукуматининг Ўзбекистонда болалар меҳнати йўқ, деган найрангига ишониб қолган холлар бўлди. Улар ниманинг эвазига бу хато гапга ишонишгани маълум эмас...

Ўзбекистон ҳокимиятининг иш услубида ёлғоннинг роли катта. Озод бўлиш учун ҳар бир индивид (арбо-блар ва оддий одамлар) нинг ёлғонда иштирок этмаслиги керак. Афсуски, халқ буни билиб турсада, ёлғонга кўникиш касалига йўлиққан. Махатма Ганди ёлғонда иштирок этмасликни нозўравонликка қўйилган биринчи қадам эканини назарда тутаркан, уни «ҳақиқат кучи» деб атагани бежиз эмас.

Агар нозўровон курашга ҳам йўл бермаса бу ишлари ўзларининг зарарига ишлаши мумкинлигини тушуниб етмаётганлар бор. Оддий демократик курашга йўл берилмаган мамлакатлар парчаланиб йўқ бўлиши ёки кураш қонли тус олиши мумкинлигини яна бир бор эслатиб ўтиш ўринлидир.

Биз, ҳукуматни демократик курашга йўл беришга, зангинлар ва зиёлиларни сафларимизга қўшилишга, демократик мамлакатларни эса бизга ёрдам беришга чакираимиз...

Н. Ботир

Тарихда қолган саҳифалар...

ОДИЛ ЁҚУБОВГА 1991 ЙИЛИ ЁЗИЛГАН МАКТУБ

Ҳурматли Одил ака!

Ҳозирги кунда 37 йилларда ўлдирилганлар, 46-50 йилларда камалганлар ҳақида кўз ёши тўкиб мақолалар ёзиш урф бўлиб қолди. Албатта, бу ҳам савоб иш. Аммо, бу ишни ўша пайтда, Қодирийлар, Чўлпону Усмонлар камалган пайтда қилинса... балки улар тирик қолиши мумкин эди...

Айтайлик, ҳозир худди шу 37-йил ёки 1946 - 50-йиллар қурбонларига ўхшаб камалганлар йўқми?


Мен улардан учтасини биламан. Бири – Ўзбекистон халқ депутати Шовруқ Рўзимуродов. У Бирлик халқ ҳаракатининг Қашқадарёдаги сардори. Виждонли, имонли, чўрткесар ва ҳақиқатпараст йигит. Ўшдан олиб келинган ҳужжатли кинони бир-галикда кўрганимизда ёш боладай бўзлаганини кўрганман. Эртасига сессияда чиқиб депутатларга “Ўш фожиаси ҳақидаги ҳужжатли фильмни кўринглар”, деб таклиф қилганию, депутатларнинг мум тишлаб ўтиргани ҳам ёдимда.

Қимматчилик бошланиши билан Қашқадарё оёкка қалқди. Оёкка қалққан халқ фитнага йўлиқмасин, деб Ш. Рўзимуродов ҳам ўз сайловчилари олдига чиқди. “Независимая газета” ёзганидай, у одамларни тинчликка, муаммоларни тинч йўл билан ҳал этишга ундади... Аммо вилоят катталари ғалаённинг бошлиғи, деб Шовруқни кўрсатишди. Жумҳуриятнинг биринчи шахси ҳам бунга ишонтирилди... Ҳозирда Ш. Рўзимуродов олдиндан тайёрланган “далиллар” асосида суд қилиниб тўрт йилга қамалган. Ҳолбуки, унинг айбдор эмаслигини Қашқадарёликларгина эмас, бутун дунё кўриб турибди...

Мен билган шу хил типдаги курашчилардан бири – Ангренлик Холхўжа Юнусов. У Шовруқ сингари депутат ҳам, барваста палвон ҳам эмас. Ўзи нимжонгина йигит, аммо виждони тоза, юраги бакуват, иродаси букилмас... Элнинг дардини ўз дардим, деб билади. Асли оддий чилангар бўлган бу йигит 20 йилдан бери сансолорликка, халқ нонини туя қилишларга қарши курашиб келади. Бу ҳақда (унинг курашчанлиги тўғрисида) фактлар орқали “Муштум” журналида ҳам хикоя қилганмиз...

Х. Юнусовни биз Жигаристонда (қирдан ер кўчиб, кўплаб оилалар тупроқ остида қолиб кетганида) азадорлар орасида куйиб-пишиб юрганини кўрганмиз. Ўша Жигаристондаги воқеалардан кейин тузилган комиссияга аъзо бўлган эди. У комиссия аъзоси сифатида халқдан келган хайрия ашёларини рўйхат қилиб, елиб-югуриб хизмат қилаётганига ҳам гувоҳмиз. Эртасига эшитсак, уни комиссиядан ҳайдашиб, ҳокимият вакиллари сўқди, деган сохта айблар билан 15 суткага қамашибди.

Қамокдан чиқиб Тошкентга келаётганда эса йўлда ушлаб



яна қамашган. Бу гал номаълум муддатга. Фақат Фавкуллода ҳолат давлат кўмитаси (ГКЧП) енгилб қолгандан кейингина уни ҳибсдан озод қилишган... Бу сафар зўрлик ишлатиб камокдан чиқариб юборишган... Аммо, унинг ойлаб тортган жабр-ситамлари учун ким жавоб беради? Маъмурий органлар ва адлия ходимлари Инсон тақдирини қачонгача оёқ ости қилишади? Ёзувчилар уюшмаси, депутатлар қачонгача бу хил фактларни кўриб туриб кўрмаганга олишади?

Мен тақдир ҳақида гапирмоқчи бўлган яна бир Инсон – ўзингиз ҳам билган, пашшага ҳам озор бермайдиган Ёдгор Обид. Ҳозир у камокда ётибди. Бу сафаргиси унинг иккинчи камалиши. Бу гал ҳам уни кўчадан, метродан чиқаётганда олиб кетишган. Ҳеч бир митинг-питинг бўлган эмас...

Бу қандай бедодлик! Ўзбекистонда виждонли одамлар учун кўчага чиқиш ҳам мумкин бўлмай қолди!

Ҳозир шоир камокда. Ўзбекистон халқ депутати Шовруқ Рўзимуродов камокда. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ва унинг масъул раҳбарлари эса (гарчи бу ҳақда билсаларда), ҳеч нима билмагандай мум тишлаб ўтиришибди. Публицистларнинг аксарияти эса, ҳалиям 37 ҳамда 50 йиллар учун кўз ёши тўкишмоқда. Наҳотки, кап-катта адиблар, публицистлар қаламкашнинг биринчи вазиғаси шу бугунги ноҳақликни фош этиш кераклигини англаб етишмасе.

Ҳурматли адибимиз ва депутатимиз сифатида Сизга мурожаат қилар эканман, Шовруқ Рўзимуродов, Ёдгор Обид каби курашчиларни ҳимоя қилиб, камокдан озод қилишда камарбаста бўлишингизни истаيمان! Акс ҳолда, Сиз ва Сизнинг сафдошларингизга берилган Халқ Ёзувчиси деган унвон ҳам, депутатлик ваколатлари, ҳам хайф деган қарорга келишга мажбур бўламиз.

Хатимга ижобий жавоб берилади, деган умид билан

Ботир Норбой.

ИЗОҲ: Бу хатнинг бир нусхаси Одил ака Ёқубовнинг котибасига берилган. Яна бир нусхаси “Ёш ленинчи” (ҳозирги Туркистон) газетасига топширилганди... Газетада чоп этилавермади... Ўша арафада А. С. Пушкин (Ҳозирда Алишер Навоий) номи билан аталадиган Тил ва адабиёт институтида Абдулла Қодирий юбилейи муносабати билан илмий амалий конференция бўлди. Камина (академик Ахмадали Аскароров раислик қилган) бу конференцияда сўз сўраб юқоридаги хатни кўпчилик олдида ўқиб бергандим... Аммо жиддий натижага эришмадик... Афсуски, юртимизда хали ҳам шу аҳвол давом этмоқда...



Дема: “У Хоразмийдир”, дема:
“Бу-чи, Бухорий”,

Дема: “У Термизийдир,
бу эса Қўқонийдур”.

Багринг бағри торликдан
ҳамиша бўлсин орий,

Сену мен Туркистоний,
у ҳам Туркистонийдур.

Дема: “Мен бу шохадан,
сен-чи, ўзга шохадан”.

Бир чинор баргларимиз,
чинорки жаҳонийдур.

Қай биримиз саҳродан,
қай биримиз воҳадан,

Ҳаммамиз Туркистониймиз,
хамма Туркистонийдур.

Битта бургут патимиз,
битта шернинг туклари,

Бургут шер, омон бўлсин,
умримиз-чи, онийдур.

Ёв шодон, қачонгача турқлар
қирар турқларни,

Мену сен Туркистоний,
у ҳам Туркистонийдур.

“Қишлогим – кишварим”, – деб
жўн тушунма Ватанни,

Кишваринг ярим жаҳон,
фахримиз осмонийдур.

Ноаҳлик бошларга келтирмасин
душманни,

Ҳаммамиз Туркистониймиз,
хамма Туркистонийдур.

Ота Турон – буюк тоғ, биз-чи, унда
зуборлар,

Аҳил бўлса ҳар туркий, Искандари
сонийдур.

Жаҳонгир Муҳаммад ҳикматлари

Сиёсат бутун жамиятни ўз панжаларига боғлаган. Унинг четида қолиб, ҳар қанча мужодала этма, натижасиз қолаверасан.

Кўрқоқлар кучлари етмаганда ё тухматга бошлайдилар ва ёки жирканч қиёфага кириб номардлик қиладилар.

Ижодкор миллатнинг виждони дейишади. Лекин бу виждон фақат ўзининг ҳаловатини ўйласа, котилликлар, жиноятлар, ўғирлик, талон-тароғликка шерик бўлса у виждон эмас, жиғилдон - ҳаром жиғилдондир.

Таёкка мансаб бериб кўйсангиз, ўшанга ҳам эгилиб, салом беришади.

Халқ ҳақида ёниб-куйиб, мансабидан айрилган одамни халқ ўша куни тарк этади.

Халққа қарши туриб, бойлик тўплаб, кейин мансабдан кетганларнинг эса зиёфатини, ошини еб юраверади.

Пул ва мансаб унинг учун Тангридан ҳам баландроқ туради. Албатта, сўзда эмас, амалда.

Виждонга содиқ қолишдан буюк унвон йўқ. Халқнинг фарзанди бўлишдан олий унвон йўқ. Америкада ва бошқа жойларда ижодкорлар унвон олмайдилар. Уларнинг кадр-қимматлари унвонлар билан эмас, асарларининг аҳамияти билан ўлчанади.

Боболар руҳи бизни кўзни очмоққа
чорлар,
Гарчи Қорақўлликдир, Юсуф Турки-
стонийдур.

Чўлпону Фитратлар
Отилиб кетди,
Нокомил кимсалар
Сотилиб кетди.

Бу кун бари ойдин:
Ким қандай кечди.
Хоинлик қилган ҳам
Қолмади, учди.

Яхшидир дунёдан
Имонли ўтган,
Сотилиб кетгандан
Отилиб кетган.

Юсуф ТУРКИСТОНИЙ.

Адолатнинг барқарор бўлишини таъминлаш асосий мақсадимиз...



(Б. Чориевнинг "Бирдамлик халқ ҳаракати таъсис қурултойидаги Сўзининг қисқарган варианты)

Ҳаракатимиз ўн йил давомида нозўравон фуқаровий кураш ғояларини, услубларини Ўзбекистон ва хориждаги ўзбеклар, юртдошларимиз истиқомат қилувчи АҚШ, Канада, Россия, Қирғизистон, Украина, Шведция, Шедцария, Германия, Норвегия, Жанубий Корея, Туркия ва бошқа мамлакатларда кенг тарғиб этиб келмоқда.

Нозўравон кураш йўлини танлаш ва бу йўналишни маҳкам ушлаш, ўзбек халқини аянчли аҳволдан холос этиш сари кўтара билиш ва бу жабҳадаги юришнинг ҳаётий зарур, жуда муҳим эканлигини "Бирдамлик"даги сафдошларимиз яхши билишади...

2009 йил ноябрида Ҳаракатнинг Ўзбекистон бўйича масъули Дилором Исҳоқова ва бошқа фаолларимиз билан вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ва кишлоқларга ташриф буюриб, у ердаги фаолларимиз, аъзоларимиз ва бизга хайрихоҳлар билан учрашдик ва асосий мақсадимиз Ҳаракатнинг Қурилтойини ўтказиш эканлигини тушунтирдик. Уларнинг кўпчилиги нозўравон фуқаровий бўйсинмаслик кураши халқимиз анъаналарига мос, тинчликпарварлик руҳиятимиз, интилишларимизга уйғун эканлигини маъқуллашди, ушбу сийсий анжуманни ўтказишни тўлиқ қўллашди.

Биз Қашқадарёдаги фаолларимиздан ўттиз беш кишини ва ўттиз хайрихоҳни тўплаб, Ўзбекистон "Бирдамлик" Халқ Демократик Ҳаракатининг тузуш ҳақида анжуман ўтказдик. Бу анжуманда бево-сита Қашқадарё вилояти фаоллари иштирок этганлари ва бошқа вилоятлар вакиллари билан биз учрашганимизда, уларнинг "Бирдамлик" тузиш ҳақидаги ижобий фикрларини олганимиз учун, ушбу анжуманни Ҳаракатимизнинг таъсис Конференцияси деб аташ маъқул деган хулосага келдик.

"Бирдамлик" Ҳаракатининг таъсис Конференцияси ўтганига тўрт йилдан зиёд вақт ўтди. Бу давр ичида сиёсий, ташкилий ва назарий жиҳатдан биз камол топдик, улғайдик. Ўзбек миллатини, юртдошларимизни нозўравон фуқаровий кураш ғоялари, услублари билан таништиришни йўлга қўйдик. Ғурурга ва айтишга арзуғулик ишларни амалга оширдик, лекин катта талофатлар ҳам кўрдик.

Арзуғулик ишларимизнинг баъзи асосийларини эслатиб ўтмоқчиман:

1) Ўзбекистон ва қатор бошқа ўлкаларда, Туркия, Қирғизистон, Россия, Швеция, Норвегияда, АҚШда Ҳаракатимизнинг бўлимларини тизим сифатида, режа асосида фаолият кўрсатишига эришдик.

2) Ўзбекистондаги шароитни ниҳоятда оғирлигига қарамай нозўравон, фуқаровий кураш ғоялари, услубларини тарғиби билан бирга, аҳолини сафларимизга тортиш, сиёсий фаоллаштириш учун, расмий Мустақиллик байрами ва Конституция қабул қилинган кунда тадбирлар ўтказдик.

3) Ушбу тадбирларда салмоқли пул муқофотлари заминидан Оқ – либос!, Оқ – лента!, Оқ – инкилоб! расмлар мусобақаларини ўтказишни ташкиллаштириб келмоқдамиз. Бу ҳам зўравонлик, порахўрлик, адолатсизлик ва ёлғонга таянган мустабид тузумга нисбатан норозилик рамзи бўлиб хизмат қилмоқда.

4) Маҳбуслар ва фуқаровий фаолиги учун бегуноҳ қамалганлардан айримларига маънавий ва моддий ёрдам бериш йўналишида жиддий ишладик.

5) 2005 йилдан 2014 йилгачан Ўзбекистон, Қозоғистон, Россия ва қатор бошқа мамлакатларда, хусусан АҚШнинг Вашингтон, Нью – Йорк, Чикаго ва Сент Луис шаҳарларида, болалар меҳнатидан оммавий фойдаланишга, инсон ҳуқуқларини, Конституцияни, қонунларни топташга қарши, оммавий ишсизликка барҳам беришни ва сиёсий маҳбусларга озодлик талаб этиб, митинг, юришлар ва пикетлар ўтказдик.

6) "Бирдамлик" сайтимиз аллақачон нозўравон кураш ғоялари, услубларининг жарчиси, тарғиботчиси ва муассислаштирувчисига айланган.

7) Джин Шарпнинг "Диктатурадан демократияга" ва "Реал алтернативалар мавжуд" асарларини, Сербиядаги Диктаторни ағдарилиши фильми, ва нозўравон курашга ўргатувчи муҳим китоб ва мақолаларини таржима қилиб сайтга қўйдик.

8) Юртдошларимиз улкан сиёсий ўзгаришлар билан бирга, туб иқтисодий ислохатларга тайёр бўлишлари керак. Бу муҳим ва катта ишга элдошларимизни ҳозирдан тайёрлаб боришимиз учун янги "Мулкдор" интернет журнали, ТВ ва Радио сайтини очдик.

9) Дастурни чуқур ва ҳар тарафлама таҳрир қилиб сафдошларга хавола этдик. Дастуримиз, ватанимиздаги ўзбек миллатини, юртдошларимизни аянчли аҳволга солиб қўйган, мустабид тузумни бартараф қилиш, хуррият, демократия, адолат ва фаровонликка эришиш учун юрагимиздан отилиб чиққан, хиссиётга тўла ғоялар баёнидир.

10) Нозўравон фуқаровий фаолигининг амалий Қўлланма (биринчи)си 2013 йил қайта ишланиб, тўлдирилди ва унинг янги варианты яратилди...Талофатлар кўрдик, тинимсиз тазйик, таъкиблар остида фаолият кўрсатишга мажбур бўлдик ва бўлмоқдамиз. Бу борада қуйидаги фожиаларни унитиш мушкул: биринчидан, ҳаракатимиз Матбуот котиби, Фарғоналик собиқ миллат вакили ва сиёсий маҳбус Иномжон Турсунов, "сирли" равишда захарланиб қазо топди. "Бирдамлик"нинг Хоразм вилояти етакчиси Валерий Назаровга сиёсий фаоллиги учун руҳий касалликлар хастахонасида мажбурий "даволаш" жароёнида тилидан, ўзлигидан маҳрум этилди ва кўп ўтмай ҳалок бўлди. Қашқадарё вилояти бирликчиларининг сардори отам Хасан Чориев сохта айблар рўқач қилиниб қамалди ва қамокдан чиқиб кўп ўтмай ҳалок бўлди.

Маълум давр Тошкент вилояти ва Ўзбекистон бўйича Ҳаракатимиз масъули бўлган тиниб-тинчимас фаолигимиз, болалар меҳнатидан оммавий фойдаланишга қарши курашчи Ақромхўжа Мухитдинов "номаълум" сабаб билан чавоқлаб кетилди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоячиси бўлмиш фаолигимиз Нейматжон Сиддиқовни, сохта жиноий иш очиб қамалиши ва қийноқларга солиниши, мустабид тузумни жирканч моҳиятини очиклайди. Нематжон ака, матонат ва фидоийлик соҳиби, у зинда туриб ҳам тик туриб ўлиш, тиз чўкиб яшашдан афзал, деб хитоб қилаолди. Юртдошларимизни озодлик, адолат ва фаровонлик курашида фаол бўлишга чорлади...

...Дастуримиз заминидаги кадрятлар ва тамойилларни амалга ошириб зулмга қарши курашиш, юртдошларимизнинг фаолликка қараб бурилиши, уларнинг амалдаги озодлик, демократия, адолат ва фаровонлик сари курашаётганининг бир кўринишидир.

Яқин Шарқ мамлакатларда, Беларусияда, Россияда ва бошқа худудларда демократия, хуррият, инсон ҳуқуқлари учун, диктатурага қарши кураш кучайди. Украинада бу кураш миллий – демократик муҳолифат ғалабаси билан яқунланди.

Джин Шарп, нозўравон кураш стратеги "Диктатурадан Демократияга" номли китобида, куч ишлатилмайдиган ҳаракатлар, фаоллик услубларининг бир юз тўқсон саккизтасини (198) таърифлаган ва ҳаётда улар бундан ҳам зиёд деган. Бу нозўравон кураш фаоллигининг турларига: оддий шикоят хатлари, баёнотлар, аризалар, амалдорлар ва диктаторни сатирик расмларини тарқатиш, танқидий нутқлар сўзлаш, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий талаблар билан чиқиш, маълум маҳсулотни сотиб олмаслик, маълум либос кийиб юриш, йўлни тўсиб қўйиш, иш жойини тарқ эт-

маслик, иш ташлаш, хабарнома чиқариш, рўзнома чоп этиш, диктатор ва унинг ҳукумати буйриқларига бўйсинмаслик, митинглар, намойишлар ўтказиш, маълум амалдорни, диктаторни истеъфосини талаб этиш ва бошқа шуларга ўхшаш ҳаракатлар қиради.

Интернетдаги "Бирдамлик" сайти, ва "Мулкдор" журнали, Тўрон Радио ва ТВ марказининг сайти нозўравон кураш ғояларини манбаи ва тарғиботчиси. "Одноклассники"да Ҳаракатимиз гуруҳининг аъзолари 27 мингдан зиёд, Фейсбукда гуруҳимизнинг сони 3 мингдан кўп, Твиттердаги гуруҳимиз аъзолари 500дан ошди. Қурилтой қатнашчилари Дастур кўрсатмаларини амалга ошириб, интернет, ижтимоий электрон системалар, электрон рўзнома ва журналлардан самарали фойдаланиб, нозўравон кураш ғоялари ва услубларини юртдошларимиз орасида кенгрок тарқатиши керак.

Диктатурага барҳам бериш учун Бирдамлик дастурида нозўравон, фуқаровий бўйсунмаслик курашиш йўлини диктатурадан демократияга ўтишни асоси, деб билиши айтилган. Мақсадимиз – жабр-зулмларсиз ҳаётга эришишдир. Ҳаётки, унинг замирида, ижтимоий адолат барқарор бўлсин жабр-зулмга, таҳқирловга ўрин бўлмасин. Бу иддаоларни ўқиб баъзилар, Ҳаракат ҳаёлпарастлар ҳаракати деб ўйлашлари мумкин. Лекин улкан ҳаёл кучига таянмасак, мақсад ва вазифалар сари интилма-сак, реал хурриятга, ҳуқуқий давлат, инсонпарвар жамият, ҳақиқий демократия ва адолатли фаровонликка эриша олмаймиз.

Ҳаракатимизга хос ажойиб тамойил – аксарият инсонларни ижобий томонга ўзгартириш мумкинлигига бўлган ишончдир. Бу эса нозўравон курашга бугун бўлмаса, эртага, эрта бўлмаса яқин келажақда эришамиз, деган умид билан яшашга ундайди...

"Бирдамлик" ўз фаолиятини Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси, Ўзбекистон Конституцияси ва ҳаракатнинг Дастури ва Низоми асосида олиб боради. Биз ушбу ҳужжатларга таянган ҳолда, халқ ҳокимияти, инсон ҳуқуқлари заминига қурилган озод ва фаровон Ўзбекистонни барпо этиш учун курашамиз.

"Бирдамлик" ўз фаолиятида умумхалқ манфаатларини, жамиятнинг жипслиги ва мамлакатнинг худудий яхлитлигини сақлаш йўлида ишлашни ўз бурчи деб билади. Ўзбекистондаги мушкул шароитга назар солсак, машҳур сиёсатшунос Збигнев Бжезинскийнинг, "Маълум хавфлар, миллат ҳатти – ҳаракатларини сафарбар қилиш учун босқич бўлиши зарур", – деган фикри ёдга тушади. Бизнинг мақсадимиз Мулкдорликка асосланган озод, ҳуқуқий давлат, яратиш,

(давоми 6-бетда)

Қирғизистон
президенти
Алмазбек Атамбоевга



Муҳтарам президент!

Маълумингизки, 2010 йил июнида Ўш ва Жалолобод вилоятларида икки қардош халқ ўзбеклар ва қирғизлар ўртасида бўлиб ўтган тўқнашувда юзлаб одамлар қурбон бўлди. Ўзбек маҳалларига бостириб келган қирғиз ёшларига, ўша пайтдаги Роза Отинбоева бошлиқ ҳукуматнинг баъзи намоёндалари қурол яроғ ва брано-транспортёрлар билан ёрдам беришди, бинобарин, қуролсиз аҳолига қуролиларнинг ҳужуми ташкиллаштирилди. Қирғизистон ва Ўзбекистон ҳукумати бошида турганлар бу урушни тўхтатиш учун ҳаракат қилишмади. Шу кунгача бу ҳукумат вакиллари урушнинг бошида турганлар, тинч аҳоли устига қурол билан бостириб келган, уларни ўққа тутиб ўлдирган, қизларини ва аёлларини зўрлаган жиноятчилар ва уларнинг ҳомийларини жазоламадилар.

Мана уч йилдирки, ўзини қуролли босқинчилардан ҳимоя қилган камсонли миллатларнинг, хусусан ўзбекларнинг 500дан ортиқ вакили судсиз ва терговсиз қамқоқларда сақланмоқда. 50 га яқин ўзбек маҳбусларга умрбод қамқоқ жазоси берилган ва уларнинг қассақсия шикоятлари объектив қараб чиқилмаган.

Шу яқингача ҳам тадбиркорлар, тужжорлар 2010 йилги воқеаларда қатнашганлик баҳонасида рейдерлик ҳужумларига, маҳаллий ҳокимларнинг гумашталари тазйиқларига дуч келиб, мол-мулкларидан ва баъзилари жонларидан жудо бўлишмоқда. Туркий халқлар орасида бўлиб ўтган бу (ва 1990 йилдаги) қирғинларга Қирғиз ҳукумати томонидан сиёсий баҳо берилмади. Қачонки, жиноятчилар жазоланмас экан, бу хил ҳодисалар такрорланмаслигига қафолат йўқ.

Муҳтарам, Алмазбек Атамбаев. Биз, Бирдамлик халқ демократик ҳаракати қурултойи қатнашчилари ва минглаб аъзолари Ўш ва Жалолободда бўлган қонли воқеаларга сиёсий баҳо берилишини, жиноятчилар ва уларни бошқарганларга миллатидан қатъий назар қонуний жазо берилишини сўраймиз. Зеро, жазоланмаган миллатчилар, рецедивистлар мамлакатингизни янги қонли майдонга айлантириши мумкин.

**Бирдамлик раиси:
Б. ЧОРИЕВ.**

ҒОЙИБДАН БЎЛГАН ГУМОНА

Менга қолса, бу оламда “бой бўлиб болтаси, гадои бўлиб халтаси бўлмаган” манглайи қаролар журналист бўлса керак, деган бўлардим. Ҳимоясиз, чорасиз ва ожиз кимсалар... Тўғрисиам шу-да! Ҳақ гапни айтаман, деб пешанам “так” этиб темир деворга текканида, айбсиз-айбдорлик юки қаддимни букканида ким қўлтигимга кирди? Кўнглимни ким кўтарди? Оқ юзимнинг ойдин бўлиши учун ким кўмакка келди, ЭГАМдан бошқа?! Э, йўқ, энди одамларнинг машмашасига аралашиб бошимни оғритмайман, ўзимга душман орттирмайман-да, бу ёғига мактаб, маддоҳлик қилиб, камига “пахта қўйиб” “кўтариламан”, керилиб юраман, дея аҳд қилган эдим. Аммо журналист дегани лоқайду бепарво туролмас, кўнгли муз бўла олмас экан...

Чекка қишлоқдан келган кекса кампирнинг қакшашларига жимгина қараб туролмадим. Ижодкор - кўнглининг қули экан-да! “Ё Расул!” дея яна оғриманган бошимни оғритишга киришдим...

Оғзи кийшик, бўлсаям бойнинг боласи сўйласин, деганлари тўғри чиқди, - момонинг нафақат овози, жаҳл билан силтаётган коксуяк қўллари ҳам титрарди. - Ўзига тўқларнинг тантиси эди-да, келиним! У килди бу килди, хуллас, гулдай боламга тухмат қилиб қаматиб қўйди! “Уриб, гумонамни туширди”, деб тухмат килди-я ўғлимга, умидинг қургур! Келин бўғоз эмас эди-ку?! Бўйида йўқ эди-ку, улар қаердан топишди бундай бўхтонни?! “Кўнғиз оппоғим, қирпи ҳам юмшоғим” дейди боласини, ўйладим онага ачиниш билан термулиб. Ўғлининг қамқоқда қийналаётганига кўкси бир куйса, боласининг бахти балқимаганига беўтин ёнарди, олов бўларди, она шўрлик. Чунки гишт қолипдан кўчган, ўғилнинг панжара ортида ўтирганига ҳам қарийб олти ой бўлганди.

Умидвор бўлиб келган кўнглини номуид қилиб қайтарай ҳам дедим, бироқ қамбағалпараст кўнглим ўлгур кўнмади. Рўзғор деб, аталмиш аждаҳога енг бўлса, елкасига ёқа бўла олмаётган бир бечора кампир “Афғонда инвалид бўлиб қайтган ўғлимни қасддан қаматиб қўйишди”, деб қакшашти, демак, бир гап бор, деган тўхтамга келдим. Нимадир қилиш керак. Аммо нима?! Ахир, қўлимда бир кадам қўйишимга қарши қудратли қурол бор - айблов ҳулосаси! Суднинг ҳукми! Ҳар иккаласида ҳам тўрт-беш жумла айнан кўчириб келтирилган: “...Раҳматулла... йил... кун кеч соат... ларда онгли равишда ўз хотини Омонова Ойсанамнинг ҳомилдорлигини била туриб, уни қасддан уриб, қорни, беллари, аъзон баданига тепиб, аъвсиз қалтақлаб, шафқатсиз азоблаб, унга жиддий тан жароҳати етказган ва 3 ойлик ҳомиласининг тушишига сабабчи бўлган...”

Қани, қонуний кучга қирган суд ҳукмидаги бу сатрларга қарши бирор бир сўз деб кўринг-чи, айта олармикансиз? Бунинг учун сирғилоннинг юраги уриб туриши керак киши кўксиди!

“Раҳматуллага оид “жиноят иши”ни ўрганмоқчиман, суд ҳужжатларини беринг”, деб бориб талаб қилиб кўринг-чи? “Терговчи ёки судья балки хатога йўл қўйганми?” деган мулоҳазага боришармикан? Асло! Аксинча, сизни “тирноқичидан кир кидирадиган ғаламис”га чиқаришади.

“Суд ҳукми Ўзбекистон Республикасининг номидан ўқилади! Ҳукмга қарши гапириш ҳукуматга қарши чиқиш билан баробар!” дея дағдага қилишади. Ҳа, топишган, ўз айбларини ҳаспўлашнинг энг осон ва айёр йўли бу! Қойил қолиш керак!

Аммо “судья дегани билиб ё билмай Ўзбекистон Республикасининг номидан ноҳақ ҳукм чиқариб, бир фуқаронинг бахтини барбод қилиб қўйса-чи? У холда одамларнинг судларга, қонунларга, ҳукуматимизга бўлган ишончи ўлмайди, ҳурмати сўнмайди?” деган ўй кўнглиларининг кўчасидан ҳам ўтмайди, ҳеч ҳам! Шундай экан, ҳақ, истаб қон қакшаётган кампирнинг кўнглига қандай тасалли топиш керак? Қандай? Ишни нимадан бошлаш

зарур, нимадан?

- Хола, нега бунча “келинимнинг бўйида йўқ, эди”, деб такрорлайверасиз-а? Ҳақиқатдан ҳам 12-13 ҳафталик ҳомиласи нобуд бўлганлигини тасдиқловчи суд тиббиёт экспертизасининг ҳулосаси бор-ку! Буни қандай инкор қилмоқчисиз?

- Оҳ, болам-а, сиз бу қоғозларга қарамаң. Шу бир парқча қоғозга қараб қозилар жигаргўшамни жувонмарг қилишди-ку! - у мен томонга эгилди. - Келиним ўғлимга тухмат қилишидан тўрт кун олдин қишлоқ, врачлик пунктида спиралини олдириб келган эди. Спирали бор аёлда бола бўлади-ми?

- Спиралнинг устидан ҳам бола бўлиб қолиши мумкин, дейишади-ку дўхтирлар, - қулиб қўйдим - Тиббиётда бундай ҳолатлар кўп кузатилган.

Унинг гапини инкор қилишга қилдим-у, кўнглимда илинж туғилди. Қалаванинг учини топгандек бўлдим. Ростини-да, прокурорнинг ёнига боргудек бўлсам, ўзиникини маъқуллаб, айблов ҳулосасини қувватлаши аниқ. Қозига рўпара келсам, суд тиббиёт экспертизасининг ҳулосасини рўқач қилади. Экспертизадагилар ҳам эсини еган эмаски, “ҳа, биз нотўғри ҳулоса бергандик, хато биздан ўтган”, дейиша! Шунинг учун ҳам қонун идораларини тинч қўйиб, мустақил ҳаракат қилишдан ўзга чора йўқ. Ишни ўша - кампир айтган қишлоқ врачлик пунктидан бошлайман, деган қарорга келдим.



Момо алдамаган экан. Чиндан ҳам келини “эрим уриб, ҳомилани туширди”, деган кундан уч кун аввал худди шу ерда спиралини олдирилганлиги ҳақида қайднома бор. Аёлни кўриқдан ўтказган гинеколог шифокор билан бўлган суҳбат ҳам бунинг тасдиқлади. Қизиғи, бемор Ойсанам Омонова спиралини олдириб кетгач, яна икки кундан кейин қайта шу шифокор кўриқдан ўтган ва қамқонлигидан шикоят қилган. Бу фактни беморнинг касаллик варақасидан ўқиб били олиш мушкул эмас.

- Демак, бемор Омонованинг спиралини олган шифокор сизсиз? - гинеколог аёлни саволга тутдим.

- Эсимда, бемор Ойсанам Омонова бизга қон кетиш шикояти билан келган экан. Қарасам, спирали ноқулай жойлашган. Шамоллашам йўқ эмас эди. Олмасликнинг иложи йўқ. Шунинг учун спиралини олиб ташлаганман.

- Ўша пайтда у ҳомилан бор, деганмиди? Балки бунинг мутахассис сифатида ўзингиз ҳам сезгандирсиз?

- Йўқ, демаган. Ҳомилдорлигини мен ҳам пайқамдим. Назаримда, унинг бўйида йўқ эди. Чунки ҳомилдорлик чоғида қон кетгудек бўлса, у ўз-ўзидан тўхтамайди. Спиралини олгач, бемор икки кундан кейин кўриқка келганида кўрганман, унда қон кетиш мутлақо тўхтаган эди.

Ажаб, Ойсанам ростдан ҳомилдормиди ўзи? Бу саволга жавоб топиш учун туман гинекология бўлимига йўл олдим. Аёлга худди шу ерда “қасаллик тарихи” очилган-да! Ўзимни алдаб нима қилдим? Очиги, менда

тиббиёт илмидан оз бўлса-да, тушунча ёки билимнинг ўзи йўқки, қўлимда турган “қасаллик тарихи”дан “ишқал” топсам! Буни истаётган бўлишим мумкин, аммо имконим йўқ эди. Уни варақлаб тушунганим фақат шу бўлдики, Омонова бу ерда 7 кун даволанган. Ва яна “... бемор ҳомиланинг чала тушиши оқибатида шифохонага мурожаат қилган...” деб қайд қилинган алламбало жумлаларни хижжалаб зўрга ўқидим. Яна бир аниқлик киритганим - у гинекология бўлимининг 7-палатасида ётган.

Худди бир из топадигандек кириб, палатани кўздан кечирдим. Тўрт кишилик шинамгина хонада тўрт бемор аёл “ғийбатлашиб” ётибди. Ҳа, етти куну етти тун. Ҳамхона беморларни бир-бирига қийнаштириш учун етарли муддат. Улар дардлашади, сирлашади... Беморларга қараб, қаллам ишлаб кетганидан қувондим Топдим! Бемор Ойсанамнинг палатадошлари билан гаплашаман. Зора, улар бирор гапдан бохабар бўлишса... Даволовчи шифокордан бемор Ойсанам Омонова би-лан бирга ётган беморларнинг “қасаллик тарихи”ни беришини сўраганимда, у мийғида қулди:

- Яхши, ҳозир буюрамыз, архивдан топиб келтиришади.

- Унганча суҳбатлашсак...

- Эътирозим йўқ.

- Ҳомила неча ойлик эди?.. Аниқ, бўлишча, аёлнинг спирали ҳам бўлган... - саволим чала қолди.

- Бачадоннинг ҳажми ва шунга алоқадор нарсаларга таяниб айтиш мумкинки, ҳомила уч ойлик бўлган. Аёл ҳомиласини уйида йўқотган, биз бу ерда мадкани тозалаб, барча тиббий ёрдамни кўрсатганмиз, - оғзимдан гапимни олди у, - Кейин... спирали бўлган бўлса бордир, аммо спирал бўлсақ-да, ҳомилалар бўлиш ҳолларига ҳаётда кўп дуч келганмиз...

Сўзимиз бўлинди. Оқ халатли қўхликкина қиз Ойсанам Омонова билан битта палатада даволанган учта бемор аёлнинг “қасаллик тарихи”ни кўтариб кириб келган эди. Очиги, бу қоғозни тўрт йил титқиласам ҳам тушунмасдим. Аммо менга кераклиси беморларнинг манзили эди. Уларни ён дафтаришга кўчириб олдим-да, шифокор билан хайрлашдим. Вақтни бой бермай, манзил бўйича аёлларни кидириб кетдим, топдим, суҳбатлашдим... Ва ниҳоят... Бу сафар менинг лотереямга ютуқ чиққан эди. Уч аёл ҳам бир-бирини билишини, ҳақиқатдан ҳам битта палатада бир пайтда даволанганлигини эътироф этди. Аммо чорбоғлик Ойсанам деган аёлни билмасликларини, бундай исми бемор уларнинг палатасида мутлақо ёлмаганлигини таъкидлашди. Бу бемор аёллардан бирининг хотираси чатоқ бўлиши мумкин, эҳтимол, аммо қолган иккитаси-чи? Наҳотки, уч аёл Ойсанам исми палатадошларини бараварига унутган, ёдларидан чиқарган бўлса? Бу мумкин эмас.

Тамом. Мен - бедиплом дўхтир - ўз диагнозини қўйиб бўлдим: Ойсанамнинг қорнида уч ойлик ҳомиласи ҳақиқатдан ҳам бўлмаган. Кўнглимининг қироли ҳам, қароли ҳам мен ўзим. Суди, судьяси ҳам мен, ўз ҳукимини чиқариб қўйгандим: демак, шифохонага Ойсанам Омонова деган беморнинг ўзи мутлақо келмаган ҳам, ёлмаган ҳам. “Қасаллик тарихи” тўлдирилган, ҳолос.

Аммо кўнгли ҳукмини халққа хайиқмай хайқириб ҳавола қилиш учун инкор этиб бўлмайдиган исбот керак, дадилгина далил даркор. Уч бемор аёлнинг кўрсатмаси кўп ишга қодир бўлолмайди, суд тиббиёт экспертизасининг ҳулосасини инкор этолмайди-да!..

Вожаб, у қандок зolim эр эдики, зулмига чидай олмаган аёли тухматдан турмага тикиб қўйган бўлса! Нима бўлгани-да ҳам, аввало, даъвогарни - жабрланувчи аёлни эмас, жавобгарни кўриш мен учун қизиқ эди.

(Давоми 8-бетда)

Қашқадарёда ғайри-ихтиёрий қон донорлиги...

Би-би-си ўтказган журналистик тадқиқотга кўра, Ўзбекистоннинг Қашқадарё вилояти тиббиёт муассасалари вояга етмаганлар ва уларнинг ота-оналари розилигисиз болалардан қон олмақда.

Вилоят соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларидан ҳозирча бундай амалиёт кимнинг буйруғи экани, мактаб, лицей ва коллеж ўқувчиларидан қон олишда қанчалар санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиниши, вояга етмаганлардан қон олиниши бирор юқумли хасталик юқишига сабаб бўлгани-бўлмагани борасида маълумот олишнинг имкони бўлмади, бироқ ушбу ғайриихтиёрий ва ғайриқонуний амалиёт мавжудлигини бир неча инсонлар тасдиқлади.

Қашқадарёлик инсон ҳақлари фаоли Нодир Ахатовнинг айтишича, туман ва шаҳарларда ёш йигит-қизлар, асосан мактаб ва лицей-коллеж талабаларидан ҳар йили бир марта қон олинади, яъни донорликка мажбурланади.

Лекин бунинг учун уларга бир сўм ҳам ҳақ тўланмайди. “Шуниси хавфлики, ёшлар қанча қон топшираётганлари билишмайди, баъзилари қон топширгандан кейин ҳушидан ҳам кетиб қолади. Уларни кейин нашатир спирти ҳидлатиб, бошқа нарса қилиб ўзига келтириб, бироз дам олдириб, ширин чой ичириб чиқариб боришади”, дейди у. Албатта Ўзбекистонда ҳам қон донорларига талаб доим мавжуд. Лекин бунинг учун маълум бир тайёргарлиги бўлмаган талабалардан қон олинаётган экан, уларнинг ота-онаси бундан нақадар бохабар?

Нодир Ахатовнинг айтишича, бунинг учун ота-оналардан рухсат олинмайди, хатто сўраб ҳам ўтирилмайди. Ҳуқуқ фаолининг ушбу гапларини Би-би-си гаплашган бир-биридан мустақил учта манба тасдиқлади. Қаршилиқ уй бекасида бу ҳақда сўраганимизда, дастлаб ҳеч нарса билмаслигини айтди ва фарзандларидан сўрашига тўғри келди.

Унинг ўрта мактабнинг юқори синфида ўқувчи қизининг билдиришича (талабаларнинг қайси ўқув юртларида ўқишини ота-онаси бермаслигимизни сўрашди) ҳақиқатдан ўтган йил 1997 йилда туғилган болалардан қон олишган, бу йил эса 1998 йилда туғилганлар ўқувчилар қон топширишган.

Қизининг айтишича, икки ҳамшира гепатит касаллиги учун қон олиб текширишларини айтишган. Бироқ “сарик касал” бўлган болалардан қон олишмаган.

Яна бир оиланинг коллежда ўқийдиган фарзандининг сўзларига кўра, қон топширишларидан бир кун олдин ўқитувчилари “кейинги кун термосда қайноқ сув ва бир марталик кофе олиб келишлари”ни буюрган.

Унинг сўзлашича, эртасига қон топширганларидан кейин ўқувчилар ўзлари олиб борган кофеларини ичганлар.” Мениям, баъзи қизларнинг бошлари ҳам айланди”, дейди у.

Шуниси қизиқки, иккала суҳбатдошнинг ҳам ота-онаси фарзанди қон топширганини билмаган, фарзандлари ҳам негадир келиб хабар беришмаган. Қарши марказидаги мактаблардан бирида

ўқийдиган ўсмир бола қон топшириладиган куни бир неча синфдоши мактабга бормагани, кейин ўқитувчисига совға олиб берганларини айтади. Қаршилиқ яна бир ҳуқуқ фаоли Гулшан Қораева бундай тартиб ўзи медицина билим юртида ўқиб юрган 1996-97 йилларда ҳам бўлганини, бир марта қон топширганини айтади.

Нодир Ахатовнинг таъкидлашича, халқаро ташкилотлар Ўзбекистонда йилига қанча қон топширилиши ва у қонлар айнан қайси йўллар билан келишини ҳам ўрганиб кўришлари керак. Кейин ўқувчиларнинг қонлари қаерга олиб кетилади, бу ҳам номаълум.

“Халқаро донорлар куни” бор. Ана шу кунда мактаб ўқувчилари ва талабалардан ўзларининг хоҳишига зид равишда қон олинади. Бугун қон топширишга борамиз дейилади, олиб борилади. Одамлар ўз ҳуқуқларини билишмайди. Ўз ҳаққини талаб қилишни ота-онаси билмаса, болалар қаердан ўргансин? Қон олинса, унга ҳеч бўлмаганда ҳаққини бериш керак. Лекин болаларга бир сўм ҳам берилмайди. Бундан ташқари улар соғлигини ҳам йўқотишади”, дейди ҳуқуқ фаоли Нодир Ахатов. Қашқадарёдаги қон донорлиги билан боғлиқ ҳолат Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам мавжудми? Бу тўғрисида маълумотлар бўлса, ёзиб юборишингизни сўраймиз.

Би-би-си Ўзбек хизмати.

Адолатнинг барқарор бўлишини таъминлаш асосий мақсадимиз...

(давоми, боши 4-бетда)

халқимизни фаровон ҳаётга эриштириш йўлида жон куйдиришдир. Биз илгари ишлаб турган заводлар, фабрикалар, кишлоқ хўжалик корхоналари ва жамоаларини техник-технологик ускуналарини қайта жонлантириб юқори даражадаги индустриал-технологик тизимлар, бирлашмаларни қайта ишга туширишимиз керак.

Енгилмас ва абадий кўринган кизил империя – СССРнинг парчаланиб кетишининг муҳим сабабларидан бири, мулкдорликка, бозор иқтисодига асосланмагандир. Тарихдан маълумки, мулкнинг эгаси аниқ бўлмаса у талон тароҳ қилинади ва йўқ бўлади. Улкан ўзбек мутафаккири Абдулла Авлоний айтгандек: “Ҳозирги замонда максудга етмак, ўз миллатига хизмат қилмак, халқга мақбул бўлмоқ учун илм ва мол лозимдир. Оламдаги ҳамма миллатларнинг ҳол ва қудратлари мол ва бойликлари ила ўлчанур”.

Бу фикрнинг нақадар тўғрилигини, ҳақиқатлигини фуқаролари демократия шароитда, озод ва фаровон яшаётган АҚШ, Канада, Германия,

Франция, Англия, Италия, Испания, Япония, Швеция, Швецария, Жанубий Корея ва бошқа қатор мамлакатларда кўриш мумкун.

“Мулкдор дейилганда, уй-жойи, ери, моли, жиҳозлари, машинаси, пули, ширкати, турли компанияларнинг акцияси, қимматбаҳо қағозларига эгаллиги тушинилади. Мулкдор, табиий равишда мулкни асраш, кўпайтириш ва ворисларига қолдиришни ўйлайди. Бу эса жамиятдаги, давлатдаги ижтимоий мувозанатни, тўқлик, фаровонликни сақлашнинг замини бўлиб хизмат қилади”.

Ўттиз миллион Ўзбекистон халқининг асосий қисми хор зор, 7-8 миллиони ўзга юртларда, Россия, Қозоқистон, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларда, сарсон-саргортонликда, меҳнат мухожири сифатида ишлашга, яшашга мажбур бўлди. “Улуғ миллатлар ҳеч қачон хусусий шахсларнинг исрофгарчилиги ва соғлом ақлга риоя қилмасликлари оқибатида камбағаллашмайдилар, аммо улар асосан давлат ҳокимиятининг исрофгарчилиги ва

соғлом ақлга риоя қилмасликлари оқибатида камбағаллашадилар”- деган бозор иқтисодининг улкан назарийчиси Адам Смит.

Юқорида баён этилган, мулкдорликнинг ҳақиқатда демократик, қонунлар устиворлигига таянган ва фаровон давлат ва жамиятни куришдаги асосий ролини тўғри тушинишгина, Дастуримизнинг кўрсатмаларини ҳаётга тадбек қилиш имконини яратади. Келажакда “Бирдамлик” сиёсий партияга айлантирилади. Ўзбекистоннинг Ери, корхоналари хусусийлаштирилиб, фуқароларга бўлиб берилади.

Ўзбекистоннинг иқтисодида эркин бозор, мулкдорлик, тадбиркорлик устиворлиги таъминланади. Мулкдорликка таянган жамият ва давлат барпо этилади.

Биз, маълум маънода, Ўзбекистоннинг ва элдошларимизни, ўзига хос, мураккаб инъикоси эканлигимизни ҳам унитмаслигимиз керак. “Бирдамлик” тузилгандан бери барча мавжуд тухмат, ҳақорат ва камситиш “тош”ларининг зарбаларига чидаб келдик. Эндиликда уларга тегишли

зарба бериш даражасига етганимизни сиёсий рақибларимизга билдириб қўйишимиз керак.

Ҳаракатимизнинг қатор фаоллари менга мурожаат қилиб, турли тортиб олиш (рейдерлик) йўллари билан, ноҳақ пули, моли, ширкатидан маҳрум қилинган кишилар (инвесторлар)нинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, адолатни барқарор бўлишини таъминлаш йўлида ишлаш масалаларини ҳам қўшиб қўйишни сўраганлар.

“Бирдамлик” Дастурини янада тақомиллаштириш учун ушбу таклифларни инобатга олишимиз керак.

“Бирдамлик”нинг Ўзбекистон фуқароларини сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий муаммоларини ечишдан бошқа мақсади йўқ. Ватандошларимиз муаммолари, бизнинг муаммоларимиздир.

Дастуримиз кўрсатмаларини изчил амалга ошириш, нозўравон кураш байроғини янада баландроқ кўтаришгина, стратегик мақсадимиз ва вазибаларимизни ҳаётга тадбиқ этишни жадаллаштиради.

birdamlik.info

Энди ҳокимият халқ арзига қулоқ тутармиш...

Ўзбек Сенати “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида” деб ном берилган қонунни қабул қилган.

Бу қонун қабул қилинишидан олдин Ўзбекистоннинг икки вилоятида шаффофлик эксперименти 1 йил давомида ўтказилди.

Самарқанд ва Бухоро вилоятларида ҳокимлар ва маҳаллий идора-ташқилотларнинг раҳбарлари одамлардан қочмасдан, мулоқот қилишга “ўргатилган”.

Ўзбек Сенати қарори ҳақида Ўзбек матбуоти хабар қилишича, ушбу қонун фуқароларнинг давлат органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштиришга, улар фаолиятининг шаффофлигини, очиқлигини таъминлашга, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва улар мансабдор шахсларининг қабул қилинаётган қарорлар сифати учун жавобгарлигини оширишга қаратилган”.

Хўш, янги қонун Ўзбек жамиятини нақадар очик қилади, амалдорларни “ҳокимиятнинг асосий манбаси бўлган халқ”қа ҳисобот беришга ундайди? Би-би-си ушбу савол билан Очиқ Жамият Институтининг Тошкентдаги ваколатхонаси собиқ раҳбари, бугун Лондонда истиқомат қилаётган сиёсий таҳлилчи Алишер Илҳомовга мурожаат қилди.

Алишер Илҳомов: бу жамият очиқлиги ва халққа ҳисоб бериш йўлида ташланган жуда кичик кадам. Аслида давлат органлари одамларга ҳисобот беришлари, арз ва шикоятларга қулоқ тутишлари лозим. Бирок бу кадам – маъмурий йўл билан юқоридан пастдагиларга буйруқ шаклида туширилган. Сабаби, у тузумнинг моҳиятини, жамият билан давлатнинг, ҳукумат билан халқнинг ўзаро муносабатини ўзгартирмайди. Дунё тарихида, кўплаб мамлакатларда амалиётда синовдан ўтган ҳисобдорлик, шаффофлик ва ўзаро боғлиқ фаолиятга доир институтлар ва механизмлар аллақачон мавжуд. Булар ҳақиқий сайловлар, сайловларнинг эркинлиги таъминланганлиги. Бундай шароитда давлат

амалдорлари ёки сиёсий раҳбарият жамият олдидаги ўз зиммасидаги вазифа ва мажбуриятни бажара олмасалар, ҳукуматдаги курсиларидан айриладилар. Бу ҳукумат ўзини қандай тутиши лозимлиги борасида жамият таъсир кўрсата оладиган реал ричагдир.

Кейингиси эркин матбуот. У амалдорларнинг фаолиятида хато-камчиликларни кўрса, маъмурий органлар ўзини жазолаши ёки қамокқа ташлашдан кўрқмасдан, очиқчасига ёзади. Бу мисоллар демократик мамлакатларда жамият очиқлиги учун иш бераётган ҳақиқий механизмлардир. Биз эса Ўзбекистонда ҳозирча бу реал механизмларни кўраётганимиз йўқ. Ҳукумат уларни жорий этиш ҳақида бош қотираётгани ҳам йўқ. Ҳукумат халқ олдида ҳисобот бераёпти деган фикрни уйғотиш учун мана шундай бюрократик ташаббуслар юқоридан пастга туширилаяпти. Мен бу ташаббусларнинг самараси нолга тенг бўлади, деган фикрдаман. Маълум бир муддат сессия-конференциялар уюштирилади, ҳисобот бериш, телефон орқали “қайноқ линия”лар ташкил қилинади, бироздан кейин эса булар ҳаммаси ёддан кўтарилиб кетади. Мана бир йил давомида Самарқанд ва Бухоро вилоятларида давлат органларининг очиқлиги бўйича эксперимент ўтказилди. Бу экспериментлар қандай натижа берди, ҳаётда нимани ўзгартирди – оддий одамлар бу ҳақда ҳеч нарса билишмайди.

Би-би-си: Сиз нима деб ўйлайсиз, Ўзбек ҳукуматининг жамият очиқлиги, ҳукуматнинг халқ олдидаги жавобгарлиги ҳақида гапиришга ундашига нима сабаб бўлган бўлиши мумкин? Буни агар халқнинг арзу-додига қулоқ солинмайдиган бўлса, ахвол ёмон бўлиши мумкин, дея, “Араб баҳори” ҳодисаларидан чиқарилган хулоса дейиш мумкинми?

Алишер Илҳомов: Ҳа, марказий ҳукуматда шундай хавотир бўлиши мумкин. Яъни, аҳоли нима билан яшаяпти, уларнинг ўй-ташвиш ва муаммолари нимадан иборату-ҳукумат тепасидагилар қандай яшаяпти, халқ билан ҳукумат ўртасида ҳаддан зиёд катта жарлик юза-

га келишига йўл қўймаслик лозим, деган фикр. Улар бунга йўл қўймаслик учун халқ овозига қулоқ тутишимиз керак, деб чин дилдан қайғураётган бўлишлари мумкин. Аммо, мен яна бундан олдин айтган фикримни такрорлайман, сиёсий тузумни ўзгартирмасдан туриб, шаффофлик ва ҳисобдорликнинг реал механизмларини барпо этмасдан туриб, реал ҳаётда амалий бир натижаларга эришишга менинг кўзим етмайди. Яхши ният ниятлигича қолиб кетиши мумкин.

Би-би-си: Балки ҳали демократия институтлари Ғарбдагидек ривожланмаганини инобатга олиб, жамиятда очиқлик ва шаффофликни мана шу шаклда аста-секин кенгайтириб борган маъқулдир?

Алишер Илҳомов: Биласизми, сиёсий маданият марказий ҳокимиятнинг бошқаларни тарбиялашга ҳаракат қилиши, амалдорларнинг оддий одамлар билан мулоқот қилишга ўргатишига ўхшаган йўллар билан ўстирилмайди. Бу етарли эмас. Сиёсий маданият реал демократия шароитида шаклланади. Табиийки, демократия оёққа тураётганининг илк даврида демократик институтлар энди-энди шаклланаётган пайтда қандайдир ҳатоларга йўл қўйилади. Экстремистик амалларга қўл урилади. Популизм орқали кўпчилик овозини қўлга киритишни хоҳлайдиган лидерлар юзага келади. Бу мисоллар ҳамма жамиятлар бошидан ўтказиши муқаррар саналадиган жараёнлардир. Бу жараёнлар якунида сиёсий раҳбарлар орасида кимнинг ким эканлиги кўпчиликка аёнлашади. Ана шундан кейин ҳамма нарса ўз жойига тушишни бошлайди. Албатта, бундай институтлашиш бир кечада юз бериб қолмайди, ҳатто бир йилда ҳам. Ҳали сиёсий маданиятнинг фундаменти эга бўлмаган тоталитар тузумдан тўлақонли сиёсий демократияга ўтишнинг илк даврлари оғриқли бўлади. Ҳамма нарса консервация қилинган, тоталитар тузумдан демократияга томон бирорта ҳам кадам ташланмаган Ўзбекистонда эса сиёсий маданият даражаси тубанлигича қолаверади.

www.bbc.co.uk/uzbek/uzbekistan

Тарих тўғри хулоса чиқарадиган одил ҳакамдир.

Тарихнинг гувоҳлик беришича...

Чимкентда минг шейитлик деган жойни биласизми? Нега шундай аталган? Тарихнинг гувоҳлик беришича 1864 йил сентябрь охирида Чоризмнинг лашкарлари юртимизга босиб кира бошлаган эди. Ниҳоят генерал Черняев қўл остидаги босқинчилар йигирма иккинчи сентябрда хужум билан Чимкентни босиб оладилар. “Ел Кол” кампаниясининг 15-йиллигига бағишлаб чиқарилган календарни кўриб ўша конли йилларни эслашга мажбур бўлдик. Календарь саҳифаларидаги ушбу хабарни биргалликда ўқиб кўрайлик: “С болью написал П.И.Пашиню в своих путевых заметках «Туркестанский край в 1866 году» (СПБ 1868г): Чимкент стал русским 2 сентября 1864 года, благодаря штурму, произведенному генералом Черняевым. Розня была жестокой. Солдаты, разграбившие базар, врывались в дома жителей и душили их. Пострадали также многие женщины и дети.

После поражения когда все улеглось жители города похоронили всех своих, погибших неподалеку озеро. Это место долгие годы называлось «Минг шейит».

Яна тарих саҳифаларини юртдошларимизнинг қони тўқилган жойни кўз олдимиздан ўтказамиз. Билганимизча қуръон тиловат қилиб, шахидларга

бағишлаймиз.

Профессор Ш.Каримовнинг “1864 йил Чимкентни химоя қилиш чоҳида шаҳар химоячиларидан 12 минг киши қурбон бўлган. Уларнинг конлари бамисоли жилга ариқ бўлиб оққан, деган сўзлари “Ел Кол” саҳифаларига монанд тушади. Ўша календарда бир неча тарихий суратлар ҳам чоп этилган. Чимкентликларнинг гувоҳлик беришича суратдаги чарх дастгоҳи қошида ўтирган киши шаҳарнинг машхур устаси Бўтабой ака ва ўғли акатайлар экан. Унинг қариндошларининг айтишига қараганда устанинг отаси Дехқонбой бобо урислар шаҳарда йиғилиш утқазар экан, деган хабар билан бирор хашар уюштирилаётган бўлса керак деб, кетмонини кўтариб, тўпланганларга бориб кўшилади. Ана шу ерда ваҳшийлик рўй беради. Босқинчилар бир неча пулемёт билан йиғилган одамларни отиб ўлдирган эди. Шахид кетган ўн мингнинг бири уста Бўтабойнинг отаси уста Дехқонбой бобо ҳам ўша ерда кетганини бошига қўйиб, ҳаётдан кўз юмган эканлар.

Чоризм зобитлари маҳаллий халқни кириб ташлаш ниятида эдилар. Ҳатто бошқа бир генерал яъни П.Иванов “Минг ерли халқ бир урис солдати этигининг пошнасига арзимади” деган бўлса, генерал Кауфман “Қўлга

тушганларни асир олмай ҳаммаси отиб ташлансин” деган буйруқ ҳам берилган эди. Келгиндилар ниятига ета олмади. Чимкент шаҳри халқи ўша йиллар анча қамайган бўлса кейин кўпая бошлади. Шаҳримизнинг халқи инқилоб, очарчиликлар туфайли анча озайиб кетган бўлса, 1960 йил шаҳар халқи 154000, 1969 йил 247000, 1979 йил 321000 кишига етган эди. Хабарингиз бор эндиликда шаҳримиз миллионерлик сари кадам ташламоқда. Раҳматлик уста Дехқонбой бобонинг авлоди ҳам кўпайиб, зурриёдлари, неварачевалари ҳозир йиғилишса бир ховлига сиғмайди. Шахид кетган Дехқон бобонинг ота-боболари ҳам юртимизнинг машхур усталари бўлган бўлса, авлодлари ҳам бобо изидан боришган. Бир эвараси Махмуджон ака кўп йиллар Чимкент темир йўл мутахассислигида ишлаган бўлса, унинг ўғли Комилжон юртимиздаги машхур тадбиркорлардан бири. Уста бобонинг бошқа зурриётлари ҳам аждод шухратини давом этказиб келмоқда.

“Ел Кол” календарига ўша уста ота-боболарнинг сурати, шунингдек календар саҳифасида улар қурган эски шаҳардаги икки қаватли болохона иморати уезд бошлиғининг уйи, касалхона, кўрғошин заводи биноси суратлари ҳам бор. Бу кўхна нодир суратлар қандай

қилиб календарга тушиб қолди. Яна тарих саҳифасини излаштирамиз. 1870 йиллар Генерал Кауфманнинг буйруғи билан фотограф Кун юртимизнинг тарихий жойларини, хунармандчилигини миллий кийимдаги кишиларни расмга олиб тўрт дона “Туркистон” албому”ни яратган эди. Ана шу тарихий альбом ҳозир марказий музейларда сақланади. Унда Сайрамдаги, Чимкентдаги, Туркистондаги тарихий жойлар, халқ юрий турмиши, этнографияси ҳам акс эттирилган эди.

Юқорида айтганимиздек босқинчилар ниятига ета олмади. Ҳатто юртимизни руслаштириш учун Россия ичкарасидан кўплаб кўчириб келтирилган рус оилаларига сер сув сер хосил ерларни қисқа вақт ичида 10 ортиқ рус кишлоқлари ташкил этилган эди. Аллақачон бу шаҳардан генерал зобитларнинг номи ва изи ўчирилган. Ўзгаларнинг юртини босиб олиб қон қақшатган Черняевга мукофотга берилган олтин билан жило берилган қиличи ҳам орденлари ҳам буюрмаганди.

Азиз ўқувчи. Республикада учинчи миллионер шаҳарга айланаётган бу юртимизнинг тарихи ҳам, келажак ҳам, ҳавас қилса арзийди. Яхшиларнинг номини эслаш билан бугунги фаровон кунга шукроналар келтириб, жаҳондаги 30 машхур давлатлар саҳифага қўшилаётган Қозоғистонимиз, тинч, фаровон, халқимиз омон, бадавлат бўлсин деб тангридан сўраб қоламиз.

Мираҳмад Мирхолдоров
Академик

ҒОЙИБДАН БЎЛГАН ГУМОНА

(Давоми. Боши 5-бетда)

Рахматулла билан суҳбатлашиш учун камокхонага кириш кийин кечмади. Учрашув хонасига озиб-тўзиб кетган 40 ёшлардаги кишини келтиришди. Рангида қон йўқ. У бир қарашда кўримсиз кўринса-да, қайрилма киприкли маъноли кўзлари, қуюқ қора қошлари, кенг елкалари 20 ёшларида жуда кўркем, келишган йигит бўлганлигидан далолат берарди. Чорасиз ва гуссали одамлар билан юзлашишга, очиги, юрагим йўқ. Уларнинг андухларига дош бериш учун 360 даражали ўтда ҳам эрмайдиган пўлат дил керак, кўнгил керак кишига, йўқса асаб толаларинг “чирт-чирт”узилиб адо бўласан, одам.

Ўзимни таништириб, мақсадимни айтгач, у йиғлади. Худди болалардек –кўллари билан юзларини беркитиб, овоз чикариб йиғлади. Бу ҳолатни кўриш,кузатиш оғир эди...

Йўқ, айтинг, ахир менинг гуноҳим нима? Афғонистон ўқларидан ўзимни асраб, шу мақсадда омон келганмидим? Яраланиб ёниб ётганларимда ўз элимда хор бўлиш учун ўлим билан олишганмидим? Турмага тушиш учун тирик қолганмидим? Ахир, тўтидай тўртта болам бор-а! Уларнинг гуноҳи нима? Ачинаман, уларни кўзим киймайди. Тирноқка зорлар бор-а, мен шу тўтиларим учун яшардим, шулар учунгина тирик юргандим-ку! –у бирам йиғлади, бирам йиғлади-ей, зўрга тинчлангирдик.

Эртақлардаги дев, қурбақанинг кўзига ошиқ бўлганидек, қишлоқдаги камбағалгина киши қаттагина бир амалдорнинг кизига кўнгил қўйган экан. Йигит келишган, кўркем эмасми, кизнинг ҳам кўнгил кетибди. Бу замоннинг қаро ботирлари йўқки, Тоҳир Зухролар бир-бирига етиша олмаса? Йўқ-да, ошиқ-мошиқлар осонгина қовушди-қўйди. Қани энди ишк-муҳаббат майи умр бўйи ташналикни қондирса, севги деган сўз тимдалаб ётган оч қоринни тўйдирса экан. Бўлмади-да! Сехрли сўзлар билан қорин тўқ бўлмади, меҳрли кўзлар билан рўзгор бут бўлмади. Аммо, болалари тўрт бўлди. Оқибатда, қатта еб, қатта ичиб ўрганган қизнинг ҳам тоқатлари тоқ бўлди. Ҳаёл бошқа, ҳаёт деганлари бошқа экан-да.

Хотинингиз тухмат қилиш даражасига етган бўлса, декмак, кўнглини қолдиргансиз-ки, нима қилиб бўлсаям сиздан қутилиш пайига тушган?, – эртагимизни давом эттиришини сўрадим эрдан.

Менинг қуруқ гавдам бор, ичим тамома бўлган,–у кўйлагини кўтариб жароҳатини кўрсатди. – Ярим жон бўлиб қайтганман. Оғир юмушга ярамайман, соғлиқ йўқ қўймайди. Шундай бўлсаям болаларимнинг бахтли бўлиши учун уста-чилик қиламан. Устаням иши оғир. Бир кун закас бор, бирида йўқ. Тушум ҳам шунга яраша. Ҳали “Изаура”, хали “Кобра” деган қўйлак обермадинг, деб қонимни ичарди. Бировнинг томини тешайми, ўғирлик қилайми? Кўшнинг хотини янги кийим кийса, бизникида гурбат. Сен ношуд, сен нотава, деган ҳақоратлар ҳиқилдогимга келарди. Охири, тамома, ажрасаман, дедим-да, отасиникига олиб бориб қўйдим. Олти ой сизди отасиникига. Еттинчи ойга етар эмас, ўзи уйга қайтиб келди. Кечиринг, келишиб яшайми, деди. Қаршилиқ қилмадим. Ўн беш кун ўтди, ё йўқ. Кечга бориб яна шу гап: тўполон, гурбат! Бир шапалоқ урдимми-йўқми, кўчага ўқдай отилиб кетди. Эртаси кун милицасхонага чакиришди. Бордим, шу борганимда ушлаб қолишгани, шундан бери камокдаман. Судда эшитишимча, хотинимни уриб, уч ойлик гумонасини қасдан туширган эмишман. Ўша кун жанжал чикаришидан тўрт кун олдин дўхтирга чиқиб спиралини олдириб келганди, ўзим гувоҳ. Камқонлигига дори ёзиб беришган экан, пулим йўқ эди, энамдан томаг олиб келиб берганман – шу ҳам қон қўпайтиради деб. Йўқ, – йигит кўрсаткич бармоғини ҳавода ўйнади, –сиз ундан сўранг, қарийб олти ой отасиникида юрганида, аччиқ қилиб, ортидан бир бор бормаганман, яқинлик қилмаганман. Ўша уч ойлик бола қачон, кимдан бўлди экан, бир сўраб кўринг-а!

Учрашув вақти адоғига етди. Хайрлаша туриб, “Рахматулла энг тартибли, интизомли, ишчан маҳбусларимиздан бири, насиб этса, унга муддатидан олдин жавоб берамиз”, деди турма бошлиғи.

Энди Ойсанам отлиг сулуви кўрмасам, эри тайинлаган омонат саволни бермасам бўлмас, дея Чорбоғ кишлоғига чопдим.

Топдим, Ойсанам опа эри тиклаган тўрт хонали томда

тўрт боласи билан тирикчилик қилаётган экан. Мени хушламайгина қарши олди.

– Эримга ачинасиз-у, тўрт норасидани ўйламайсизми? Эрим кантуж эди.

– Турли отишмалар, ёмғирдай ёққан ўқлар, бевақт жони узилган жасадлар орасидан омон қайтган киши маълум маънода асабий бўлиши табиий эмасми?

– Айтишга осон, бир кун, бир йил эмас, асаби адо бўлган одам билан бир умр чидаб яшаш! Ўзи бўлмайди бунинг!

– Шунинг учун тухмат қилиб бўлса-да, қутулмоқчи бўлдингизми эрингиздан? – ним табассум билан тағдор савол қилдим.

– Ким сизга шундай деди? – важоҳатли қараш қилди суҳбатдошим.

– Кўлимдаги далиллар...

– Нима, сиз судмисиз? Ё прокурормисиз?

– Унисиям-бунисиям эмас, мен аёлман. Онаман. Эрли хотинман. Хўп, десангиз, мен сиз билан оддий бир аёл сифатида гаплашсам... Спиралингизни олдингиз қансиз, тўғримиз?

– Ҳа, нима қипти, устидан бола бўп қолган экан, билмай қолибман. Эрим тепкилагач, тушиб қолди.

– Қаерда тушганди гумонингиз?

– Қаерда бўларди, ўша кун қорним қаттиқ санчик турди, қон кетди. Акаларим шифохонага олиб кетишди. Ўша ерда тушган-да!

“Ҳа, акалар ҳам туманда чакана постни эгаллаган одамлар эмас. Бу худудда тўртта “зўр” бўлса, шулардан биттаси улар” – меҳрибон туғишганларнинг оқибатига қойил қолдим кўнглимда.

– Бироқ сизни даволаган врач бемор аёл хомиласини уйида йўқотиб келган, деган эди-да?

– Уйда?... Йўқ... Дўхтир адашган... Эсидан чиққандир.

Оғрик билан борган эдим, балнисада тушиб қолган болам... Уч ойлик экан.

– Уч ойлик эди денг? – ўсмоқчилаб сўрадим. – Бир савол бераман, илтимос, нафсониятнингизга тегмасин, хизматчилик, – мулозамат қилдим. – Эрингиз билан уришиб анча вақт...

– Ҳа, тўғри болам билан отамнинг уйига ташлаб келди. Ярим йил юрдим-а! Бариб чикқан қиз чигрикдан ташқари экан-да! Ўзим-ку сиздим-а, аммо тўрт болам тўполон кўтарди, қайтиб келишга мажбур бўлдим. Эндигина икки ҳафта бўлганди ярашганимизга, яна қилигини чикарди.

– Шу олти ой ичида Рахматулла ака билан кўришганимизнингиз?

– Йўқ, – Ойсанам опанинг жазаваси тутди. – Мен учунмас, тўрт боласининг хурмати учун лоақал бир хабар олмади-я, яшамагур!

– Демақ, шу вақт ичида жисмоний яқинлик ҳам бўлмаган?

– Хечам? – У лаб буриб, елка учирди.

– Кечирасиз, олти ой эрингиз билан яқинлик қилмаган бўлсангиз, уч ойлик бола қандай бўлди экан?... Кўнгил қўйган одамнингиз бордир балки?

– Уч ойлик... – гап нимага келиб тақалаётганини аниқлаган аёл саросимага тушиб қолди... – Уч ойлик эмас экан-да, етти ойлик экан ичимдаги. Аразлаб, олти ой кетиб қолишимдан олдинроқ бўп қолган экан бўйимда, савил.

– Етти ойлик хомиласи бор аёл гинекология бўлимига эмас, туғруқхонага ёлқизилади, билишимча. Яна... етти ойлик чала туғилган бола аксарият ҳолларда яшаб кетиши ҳам мумкин.

– Э, йўқ, етти ойлик бўлсаям, 2-3 ойлигидаёқ ичимда ўлиб қолган экан... 3-4 ойдан буён қорнимда ўлик ҳолатида ривожланмасдан турган экан-да!... Ана шу ўлик гумонамни олиб ташлашди, дўхтирлар... – аёл пойинтир - сойинтир гапирар, нима деяётганини ўзи ҳам тушунмасди, назаримда.

– 4 ой давомида ўлик хомилани кўтариб юрган баччадон омон қаларканми? Маткангиз ириб кетмаганига, қонингиз захарланиб қолмаганига хайронман?, – дедим азборойи ажаб ланиб, – Суд тиббиёт экспертизасидан қачон, қаерда, қандай қилиб ўтказишган, эсингиздами?

– Ҳа, иккита дўхтир шифохонага келиб қорним, оёқларимни кўриб кетган.

– Ростдан шифохонада ётганмисиз? Нега унда палатадошларингиз сизни танишмайди Нечанчи палатада, неча кишилик хонада даволангандингиз? Хозир кўрсангиз, палатадошларингизни танийсизми?

– Бунча эдингиз? – аёл оғир оқ торган кўйи бошини орқасига ташлади, кўзларини юмди. – Мен мажбур эдим, – деди у бироздан кейин синиқ овозда. – Унинг ўзи мени шунга мажбур қилди, эрим билан бирга яшолмадим, у истамади. Тўрт бола билан қаерга борардим? Дарбадар юрардимми? Тўрт бола билан тинч яшаш учун, эримнинг кўзини қўрқитиб қўйиш учун тухмат қилиб бўлсаям қаматишимга ўзи, феъли, инжиқлиги мажбур қилди мени. Бўйимда бўлмагани рост, аммо болаларимнинг тинчлигини ўйлаб тўқиб чатишга, бу ёлгонни ростга айланттиришга мажбур бўлувдим...

Йўқ, у йиғламади. Жаҳл ҳам, кесатикли иддао оханги ҳам йўқ эди унинг овозида. Адашмасам, барига қўл силтагандек, бепарво ва лоқайд гапирди. Кўзларида ёш йўқ, бир нуктага маъносиз тикилиб қолганди...

Ана энди мен суҳбатлашим лозим бўлган охириги бир одамни – Ойсанам Омоновани суд тиббиёт экспертизасидан ўтказиш учун олиб борган ички ишлар ходимини топиш қолган эди, холос.

– Омоноваларнинг жанжаллими? – деди у негадир мийингида қулиб. – Яхши эслайман. Синглим, узокка борай, десангиз, қалтис ишларнинг кетидан қавлаштирманг, изкуварлик қилманг, ақлли бир маслаҳат-да бу сизга, – до-нишмандлик қилди милиса ака. – Кейин... экспертизага аёлнинг ўзини олиб борган эмасман. Нима қиламан, уни етаклаб юриб, шифохонада “қасаллик тарихи” бор-ку! Экспертизадан ўтказиш ҳақида қаттанинг кўрсатмасини олгач, ана шу “история”ни олиб бориб берамиз. Улар историяни қараб ҳулоса беришади. Бори шу. Бу ерда ҳеч қандай “секрет” ёки “криминал” йўқ, –у қулочини ёйиб, елкасини қисди.

– Шулар ҳақида интервью берсангиз, илтимос, – ялинган бўлдим.

– Э, йўқ, бошимни оғритманг. Сиз сўрадингиз, мен айтдим. Интервью бериш учун бошлиқлардан руҳсат сўраш керак, – бош чайқади ички ишлар ходими.

“Хўп” дедиму, хурсанд бўлиб, ортга қайтдим. Чунки мен мақсадимга етган, унинг сўзларини тасвирга олиб бўлгандим. Газета ходимига маълумот берган одам, эртаси кун “мен ундай деган эмасман” дея тониши мумкин, эҳтимол? Бироқ, тележурналистнинг ютуғи – у эшитганларини нафақат ёзади, балки тасвирга ҳам туширади, сёмка қилади. Ана шундан кейин ҳам суҳбатдошингиз айтганидан қайтиб, сўзларини инкор қилиб кўрсикчи?!

Алал-оқибат вилоят прокуратурасидан, ички ишлар бошқармасидан, вилоят суд тиббиёт экспертизасидан, адлия ва соғлиқни сақлаш бошқармаларидан, вилоят судидан, камокни ўташ муассасасидан тегишли мутасаддиларни чакириб, қўлга киритган матреалларимни намойиш қилиб бердим.

– Хўш, бу ҳолатни ким қандай изоҳлайди? – кўрсатув давомида савол ташладим давра суҳбати иштирокчиларига.

– Беморнинг ўзини кўздан кечирмасдан туриб, қасаллик тарихига асосланиб, суд тиббиёт экспертизаси ўтказиш мутлақо мумкин эмас, – деди шу соҳа раҳбари. – Бу хато чиндан ҳам содир бўлганми-йўқми, аввало, шунга аниқлик киритиш лозим.

– Аёл хомилатор эмас эдим, деб тан олаётган бўлсаям-а?

– Барибир текшириш, ойдинлик киритиш лозим, – деди прокуратура вакили викор билан.

– Олаётган ойлигини оиласига эплай олмаётган дўхтирлар тўрт-беш сўмлик чойчака учун сохта “қасаллик тарихи”ни дунёга келтирмайди, деб қай бирингиз қафолат бера оласиз?

Оғир жимлик, сукунат...

Шундан кейин бу моҳара анча мунча шов-шувларга сабаб бўлди. Баҳс, мунозара, муҳокама... Орадан кўп ўтмай, Рахматулла ўз уйига қайтиб келди! Ҳа, камокдан чиқди.

Ў-ху, изкувар журналист жудааа уддабурро чиқиб қолди-ку, ноҳақ камалган кишини кутқариб олишга қурби етибди-я, деган кинояли ўйда қойил қолаёйсизми?

Йўқ, Рахматулла оқланиб чиққан эмас. Шунчаки... амнистия акти қўлланиб озодликка чиқди, муддатидан олдин камокдан қайтди, холос...

Малоҳат ЭШОНҚҲУЛОВА, тележурналист
мақола "Даракчи" газетасининг
2005 йилги сонидан олинди.

ТУРКИСТОН ТОНГИ

Ижтимоий-сиёсий, илмий, адабий-публицистик газета

Бош муҳаррир
Раҳимтой Бегалиев
Муҳаррир
Ўринбосари
Ботир Норбоев

Газетага Қозоғистон азамати С. Байдуллаев ва ўзбек фарзанди Б. Норбоев асос солган.
ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Бахтиёр Исабеков, Малик Мансур, Ўринбой Усмон, Фарҳодхон Мухтаров

Таҳририят манзили: Жанубий Қозоғистон вилояти, Сайрам тумани, Қорабулоқ қишлоғи, Аҳмаров кўчаси - 133, тел: 8 707 958 57 57.

Мулк эгаси: Яқка тадбиркор Бегалиева Гулнар Қозоғистон Республикасининг Алоқа ва ахборот вазирлиги, Ахборот ва архив қўмитаси, даврий босма нашрларни ва Ахборот агентликларини рўйхатга олиш тўғрисидаги 12310 - Г сонли, 2 февраль 2012 йилда берилган гувоҳномага асосан босилмоқда.

Адади: 1000 дона. «М-press» босмахонаси. 3 июнь 2014 йил. (Шымкент ш. Байтурсунов-18) да чоп этилди. Буюртма №. Таралиш ҳудуди: Қозоғистон Республикаси. Газета бир ойда бир марта нашр этилади.

ОБУНА ИНДЕКСИ: 64502

- Муаллифларнинг фикри газета таҳририяти аъзолари фикри билан айнан мос бўлмаслиги мумкин.
- Барча муаллифлик ҳуқуқлари Қозоғистон Республикаси қонунлари билан ҳимояланган.
- Газетанинг асосий мақсади миллатлараро муносабатларни мувофиқлаштиришдир. «Туркистон тонги» да миллатлараро дўстликка раҳна соладиган мақолаларга ўрин берилмайди.
- Ўқувчиларимизнинг саҳифалардан ножоиз жойларда фойдаланмаслигига умид қиламиз.
- Газетадан олинган мақолалар ёки иқтибослар «Туркистон тонги» дан олинганлиги кўрсатилиши лозим.